



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИ АЛОҲИДА МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси Чжао Лэцзи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Хитой парламенти раҳбари Ўзбекистон етакчисига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг салом ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда сўнги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Остона шаҳридаги ШХТ саммити доирасида ўтган олий даражадаги самарали музокаралар натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга янги суръат бағишлаганига ишонч билдирилди.

Хитой Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, айниқса, камбағалликни қисқартириш дастурини, шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш, санат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва "яшил" энергетика соҳаларида стратегик ҳамкорлик дастурларини қабул қилиш режаларини қатъий қўллаб-қувватлаётгани тасдиқланди.

"Хитой - Қирғизистон - Ўзбекистон" темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳимлиги қайд этилди.

Жадал ҳудудлараро алоқаларга юқори баҳо берилди. Келгуси йилда иккинчи Ҳудудлар форуми ўтказилади.

Ўзбекистонда Хитой олий ўқув юртаринининг филиалларини очиб, профессионал таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Конфуций институти фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди. Келгуси йилда иккинчи Таълим форумини ўтказиш режалаштирилган.

Маданият ва туризм соҳаларидаги алмашинув юзасидан фикр алмашилди.

Парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш, парламент аъзолари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш ва амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Икки мамлакат парламенти ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган тadbирларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилиш назарда тутилгани қайд этилди.

У.А.

ФАРҒОНАНИНГ ЯНГИ ШАҲАРЧАСИГА БИР КЕЛИНГ



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам бунёдкорлик ишлари янада авж олган. Янги шаҳарчалар, массивлар барпо этилапти, осмон билан бўйлашаётган уй-жойлар қад ростлашпти.

Ўтган йилда вилоятда 150 та 8 минг 500 хонадонли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йил якунига қадар вилоятда 220 та кўп қаватли уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Фарғона шаҳридаги тош-шағалдан иборат даштада бошланган Экошаҳар - "Янги Ўзбекистон" массиви қури-

лиши янада қизгин давом этмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи якунига етказилиб, умумий майдони 300 гектар бўлган янги шаҳарда бугунги кунда 2 минг 800 хонадондан иборат 75 та кўп қаватли уйлар қуриб битказилди. Ил охирига қадар яна 1 минг 500 та хонадонга эга 25 та 12 қаватли уй-жойлар қуриш режалаштирилган.

Хитойлик инвесторлар томонидан қиймати 25 миллион АҚШ доллари бўлган, Фарғона водийсида ягона 30 қаватли муҳташам мажмуа қурилиши бошланди. "ECO TOWER" биносида меҳмонхона, турар жой, савдо ва кўн-гилочар мажмуалари ўрин олади. Шунингдек, Япониялик инвесторлар ташаббуси билан 3 гектар майдонда Япон боғи ва меҳмонхонаси, бир гектар майдонда замонавий тиббиёт клиникаси қурилишига киришилди. Швейцариянинг "RABAT" компанияси томонидан 4,5 гектар ер майдонида замонавий савдо комплекси қад кўтарди.

▶ 2-бет

Ўзбекистон Ҳарбий судининг янги биноси очилди



Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида қад ростлаган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тadbирда Олий суд раиси Б. Исломов, Миллий гвардия қўмондон-и Р. Жўраев, Мудофаа вазирлиги ва Ҳарбий прокуратура вакиллари, судья ва адвокатлар, суд фахрийлари иштирок этди.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида судьялар ва суд аппарати ходимларининг маъқенини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент томонидан судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судларга ташриф буюрувчи фуқаролар ҳамда суд процессларининг барча иштирокчилари учун замонавий, ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш масалаларига эътибор кучайтирилиши

натижасида судларнинг моддий-техника базаси яхшиланди.

2021-2025 йилларда марказлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмаган судларнинг бинолари ва хоналарини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастури асосида 2025 йилга қадар 32 та янги бино қуриш ҳамда 107 та бинони реконструкция қилиш ишлари назарда тутилган.

Кейинги йилларда ушбу дастурга мувофиқ 46 янги суд биноси қурилди, шунингдек, 23 суд жойлашган 17 та маъжуд маъмурий бинода реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада жами 101 суд замонавий бинолар билан таъминланди.

Бино энг сўнги ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган.

Тadbирда бино қурилишида жонбозлик кўрсатган қурувчиларга эсдалик совғалари топширилди, деб хабар қилди У.А. муҳбири Нормул Абдураимова.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Муҳим масалалар юзасидан йиғилиш

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази" ДМнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоселектор йиғилишида Бош прокуратура прокурори М. Муллажонов, Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази директори М. Иноятнов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари, марказнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда ходимлари, шунингдек, марказий аппарат эксперт ва мутахассислари иштирок эттишди.



Йиғилишда маълум қилинишича, 2022-2024 йилларнинг ўтган даврида муассасага жами 106,3 мингта лойиҳа-смета ҳужжатлар экспертиза хулосаси олиш учун келиб тушган бўлиб, шундан 73,6 мингтага экспертиза хулосалари берилган. Текширувлар давомида лойиҳаларни экспертиза қуригидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 579-сон қарори билан тасдиқланган Низом талабларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган. Хусусан, буюртмачилар томонидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот ти-

зимидаги "Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш" платформаси орқали юборилган лойиҳа ҳужжатларининг лойиҳа топшириқлари 22 та ҳолатда тўлиқ расмийлаштирилмасдан тақдим этилганлиги, 20 та ҳолатда тизим орқали юборилган лойиҳаларга илова қилинадиган ҳужжатлар ўрнатилган тартибга мувофиқ ўз ўрнига юкланмаганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, йиғилиш давомида соҳада аниқланган тизимли муаммолар ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, экспертиза қуригига тақдим этилаётган лойиҳа-смета

ҳужжатларнинг айрим лойиҳаолди ҳужжатлари тўлиқ рақамлашмаганлиги ҳамда "Шаффоф қурилиш" МАТ электрон платформасига интеграция қилинмаганлиги натижасида платформага юкланаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш имконияти чекланганлиги таъкидланди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланадиган лойиҳа топшириғи рақамлаштирилмаганлиги сабабли объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш жараёнида лойиҳа ҳужжатларига қайта-қайта ўзгартириш ва қўшимчалар



кириштириш ҳолатлари кўпайиб бораётгани айтилди. Аксарият ҳолларда буюртмачи ташкилотлар томонидан лойиҳа топшириғини ишлаб чиқишни, лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлашни ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни тўлиқ лойиҳа ташкилотига юклаб қўймоқда. Бу ўз навбатида бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда. Йиғилиш сўнгида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тузатиш, фаолиятда манфаатлар тўқнашувига узиш-кесил чек қўйиш юзасидан кўрсатмалар берилди.



ФАРҒОНАНИНГ ЯНГИ ШАҲАРЧАСИГА БИР КЕЛИНГ

Бундан уч-тўрт йил аввал шу ерларда замонавий шаҳар бунёд бўлади деган гапга кўпчилик ишонмаган. Утган қисқа даврда худди эртакдек туюлган орзулар ҳаётини ҳақиқатга айланди, келсангиз ҳавас қиласиз, ҳайратланасиз. Бу бежиз эмас. Янги шаҳар қурилиши шу кунга қадар қурилган катта-кичик шаҳар, кўп қаватли уйлар, яшаш манзилларидан ўзига ҳос меъморий кўриниши, аҳолига яратилган қатор қўлайликлари билан ажралиб туради. Шаҳар ўз номига мос ва ҳос тарзда экологик тоза худуд сирасида эътироф этилади.

– Экошаҳар лойиҳаси мамлакатимизда ўхшаш йўқ ноёб ва мукамал ёндашув асосида амалга оширилмоқда, – деди Фарғона вилояти ҳокими Шайхмуродов. Шаҳар лойиҳасини ишлаб чиқишда экологик тоза, “яшил” иқтисодийга асосланган инновацион ғоялар ва технологиялардан фойдаланишга эътибор қаратилган. Бу ердаги ҳар бир уй энергия тежамкор. Янги даҳа об-ҳавосини муътадиллаштириш, доимий оби ҳаёт таъминлаш мақсадида умумий узунлиги 11 километр бўлган канал қурилиши якунига етди. Сув ресурсларидан умумий фойдаланиш мақсадида ариқлар бетонлаштирилди, дарак

ва яшил майдонларда ёмғирлаштириш, томчилатиб сугориш тизимлари ўрнатилди. Худудга ўзига хос тароват, фойз бериб турувчи сунъий кўл ва замонавий фавворалар қурилиши поёнига етди.

Фарғона тумани Дамқўл қишлоғидан 14,2 километр тоза ичимлик суви, 7,5 километр юқори қучланишга эга бўлган электр тармоқлари тортилди. Ўз навбатида, 11,2 километр янги канализация қувурлари ишга туширилди. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, бу ерда юзлаб болалар майдончалари ва ўйингоҳлар, 10 та боғча ва 6 та мактаб қурилади. 50 гектар майдонда кичик саноат зонасининг ишга туширилиши ҳисобига 20 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Хонадонларни иссиқлик тизими билан таъминлаш мақсадида 21 минг мегабайт қувватга эга марказлашган иситиш қозони қурилди. Айна жараёнда 420 ўринли 3 та мактабгача таълим ташкилоти, 990 ўринли 2 та умумтаълим мактаби, 250 қатнов ўринга эга марказий поликлиника қурилиши якунига етди. Бу ерда 1,3 гектар майдонда Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур фермер Лолахон Муродова номидида қишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаби қурилиши якунига етди.

70 гектар ерда “Янги Ўзбекистон” боғи ташкил этилди. “Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг ўзида 35 минг туپ,

20 хилдан ортиқ манзарали кўчатлар экилди. Эътиборлиси, эндиликда бундай кўчатларни катта маблаг эвазига четдан олиб келишга ҳолат қолмади. Мутахассисларимиз ўзимизда маҳаллий иқлим шароитига мос энг ноёб кўчатларни етказиб беришни урдаламоқда.

Аҳолини мароқли ҳордиқ чиқариши, маданий-маърифий кеча, кўнгулоқлар тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 4 минг ўринли амфитеатр ва унга уйғунлик касб этган сунъий кўлда мусикали фавворалар ўрнатилди. Ички йўлларни бошқа худудлар билан туташтирувчи халқа йўлига боғлаш ва жамоат транспорти катнови билан боғлиқ қўлай шохбек-катлар барпо этилмоқда.

Хар бир кўп қаватли уй ҳовлисида болалар ва спорт майдончаси, Жанубий Корея тажрибаси бўйича қурилган ўриндиқлар мавжуд. Худуд таълим ташкилоти, кўчаларни саралаш, қайта ишлаш борасида бошқарув сервис компаниялари ўртасида ўз-ара рақобат муҳити шакллантирилди. Якунда аҳолига сифатли ва арзон хизматларни тақдир этган компаниялар билан шартнома имзоланмоқда. Хар бир уйнинг олдида ногиронлиги бор шахслар учун махсус пандуслар ўрнатилди. Биринчи қаватда кундалик фойдаланиладиган жиҳозлар, болалар велосипедлари, ўйинчоқлари ни сақлашга мўлжалланган махсус

жой ҳозирланяпти. Бу хонадон эгаларини керакли жиҳозларни ҳар кунги оқори қаватга олиб чиқиш ва олиб тушиш билан боғлиқ ортиқча оворагарчиликлардан халос этади.

Яна бир жиҳати, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан янги уйларнинг ертўла қисмида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган, жимтойим ҳимояга муҳтож оилалар учун 20 дан ортиқ замонавий уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу манзиллар уй-жойга муҳтож аҳоли вақиларига бепул берилмоқда.

Барча коммуникация тармоқлари – ички йўллар, электр ва иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув тармоқлари қуриш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджетидан ҳисобидан амалга ошириляпти. Коммуникация жиҳозлари ер остида – битта тунелда жамланмоқда. Бу кейинчилик таъмирлаш ишларини қўлай шароити оёбонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш борасида бошқарув сервис компаниялари ўртасида ўз-ара рақобат муҳити шакллантирилди. Якунда аҳолига сифатли ва арзон хизматларни тақдир этган компаниялар билан шартнома имзоланмоқда. Хар бир уйнинг олдида ногиронлиги бор шахслар учун махсус пандуслар ўрнатилди. Биринчи қаватда кундалик фойдаланиладиган жиҳозлар, болалар велосипедлари, ўйинчоқлари ни сақлашга мўлжалланган махсус

Соҳага аксилкоррупциявий тизимлар жорий этилган

Умар МИРЗАЕВ, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.



Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, соҳада замонавий аксилкоррупциявий тизимларни жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳага қурилишда давлат назорати электрон тизими жорий этилган.

Бу орқали инспекциядан рўйхатдан ўтган барча объектларда назорат функцияларини амалга ошириш ишлари рақамлаштирилди.

Шунингдек, қурилишда давлат назорати электрон тизими my.gov.uz ЯИДХПга интеграция қилинган бўлиб, объектларни рўйхатга олиш, тегишли ташкилотлар билан фойдаланишга қабул қилиш мазкур тизим ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу тизимнинг яна бир қўлайлиги шундаки, ISO 37001:2016 ва ISO 9001:2015 халқаро сертификатига эга ва тизимга ишонч телефонлари ҳамда бошқа алоқа манзиллари акс эттирилган кўргазмалар кўйилиши таъминланган. Бу эса соҳада шаффофликни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ушбу тизим орқали жорий йилда вилоятда

681 та объект назоратга олинди. Бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидан ташқари “Огоҳ фуқаро” каби бир қатор электрон онлайн платформалар ҳам ишга туширилди. Бундан ташқари, инспекторлар яқингача қурилиш объектларида назорат функцияларини амалга ошириш учун планшетадан фойдаланишар эди. Эндиликда улар қўшимча равишда объектларда аниқланган қоидабузарликлар юзасидан жойида маъмурий чора қўриш учун янги махсус планшетлар билан таъминланишди.

ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИДА ЕВРОКОДлар татбиқ қилинади

Азизбек НУРМИРЗАЕВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва илмий-тадқиқот институти бошқарма бошлиғи.

Еврокодлар параметрик меъёрлаш характеридаги ҳужжат бўлиб, тўғридан-тўғри фойдаланиш эмас балки ҳар бир мамлакатнинг ўзига ҳос хусусиятлари, яъни, геологик, табиий-иқлимий, сейсмологик ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.



Еврокодларни техник меъёрлаш тизимида конструкциялар мустаҳкамлиги, хавфсизлиги ва шу билан боғлиқ жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, миллий нормативлар қаторида асосий эмас, балки муқобили сифатида қабул қилиш режалаштирилган. Яна ҳам аниқроқ айтганда бўлса, миллий нормативларимиз мустақиллиги ва халқаро нормаларга уйғунлаштирилган ҳолда сақлаб қолинади. Уларни татбиқ қилишда биринчи навбатда амалдаги норматив ҳужжатлар талабларини инкор қилмайдиган ёки уларга эид бўлмаган алоҳида киритилмайдиган 1400 дан ортиқ параметрик кўринишдаги миллий иловавлар ишлаб чиқилади.

Шу ўринда, еврокодларнинг афзалликлари қандай омилларга эришилади. Қолаверса, BIM дастурларини Ўзбекистон шароитида тўлиқ қўллаш имкони пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш ва сотиш таннархини камайтириш орқали қўшимча қийматни таъминлашга эришилади.

Ўзбекистонда бино-иншоотлар конструкцияларининг хавфсизлиги, ишончилиги, уларнинг сейсмик чидамлиги, ёнғин хавфсизлиги, энергия самардорлигини таъминлаш учун зарур талабларга жавоб берадиган умумий мезон ва лойиҳалаш усуллари таъминлаш пировард мақсад қилинган. Шунингдек, мулк эгалари, буюртмачилар, лойиҳачилар, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчилар, пудратчилар ва эксплуатация қилувчи ташкилотлар ўртасида конструктив лойиҳалаш жараёни ҳақида умумий тушунча таъминланади.

Еврокодларни жорий қилишда, шунингдек, иштирокчи давлатлар ўртасида қурилиш соҳасида хизматлар алмашинувида ҳамда қурилиш материаллари ва элементлари маркетингини ташкил қилиш, улардан фойдаланишга қўмақлаш имкони вужудга келади. Қурилиш соҳасида илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмалар учун ягона асос яратилади. Лойиҳалаш ва

дастурий таъминот бўйича умумий қўлланмалар тайёрлаб, маҳаллий қурилиш пудрат ташкилотлари, қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, лойиҳачиларнинг жаҳон бозорига чиқариш ва рақобатбардошлигини оширишга эришилади.

Республикамизда Еврокодларни имплементация қилишда бир қатор ишларни бажариш режалаштирилган. Жумладан, улардаги ҳар бир талабни миллий шаҳарсозлик нормалари билан солиштирилган ҳолда, энг мақбул талабни қабул қилиш ва уйғунлаштириш, белгиланган тартибда миллий иловавларни ишлаб чиқиш, еврокодларни амалда қабул қилган, ўзининг миллий иловавларини ишлаб чиқиш, амалда татбиқ қилган ҳолда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, параллел равишда кадрларни ўқитиш ва салоҳиятини ошириш каби истиқболли режалар ишлаб чиқилади. Қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқариш саноатини Еврокодларга мослаштириш ва замонавий синов лабораториялари билан жиҳозлаш ҳамда сифат менежментини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Уларда келтирилган стандартлар ҳам бир-ламчи масала ҳисобланади. Шу боис, Еврокодлар синов лабораториялари, стандартлаштириш тизимлари ва услублари, қурилиш материаллари саноати, сифат менежменти, кадрлар салоҳияти ва бошқа зарур инфратузилма билан интеграллашган ҳолда ривожлантириб борилади. Шунга кўра, ҳар бир Еврокодни қабул қилишда унинг тўлиқ амалиётга жорий этилишини таъминловчи 100 дан ортиқ халқаро ва Европа стандартлари қабул қилинади. Бундан ташқари, Еврокодларни ҳамда унда келтирилган стандартларни республикамизда қабул қилиш орқали қурилиш материаллари ва буюмлари учун Европа сертификатларини олиш харажатлари қисқаради. Европа Иттифоқи қонунчилигига жавоб беришчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг Европа бозорларига эркин кириб боришига имкон яратилади.

Микро ГЭСлар самарадорлиги оширилмоқда

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkoti” мухбири.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган жадал ва кенг қўллади ислохотлар қаторида энергетика тармоғининг ажралмас бўғини ҳисобланган гидроэнергетика соҳасида ҳам изчил ислохотлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Бу борада “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан гидроэнергетик салоҳияти мавжуд худудларда инвестициявий лойиҳалар асосида янги ГЭСларни қуриш жараёнлари юқори суръатларда амалга ошириляпти.



Бу ҳақда АОКАда ўтказилган “Микро ГЭСлар ва уларнинг самарадорлиги” мавзусида матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди. Тадбирда жамяят бошқаруви раҳбарияти, ижро аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, масъул мутахассислар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Глобал иқлим ўзгариши ва қургўқчилик шароитида Марказий Осиё давлатларидан оқиб ўтувчи дарёларда сув ҳажмининг пасайиши кузатилиши катта ва ўрта ГЭСларни тўлиқ қувватларда ишлашнинг чекламоқда. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган экологик тоза электр энергияси ҳажмларига салбий таъ-

сирини ўтказмоқда. Электр энергияси ҳажмларида юзага келадиган тафовутни қоплашда кичик сув босими ва харажатида ишловчи микро ГЭСлар муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини, шу жумладан, микро ва кичик ГЭСларни кенг жорий этиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПФ-220-сонли Фармони билан

юртимизда хусусий инвесторларга қуввати 5 МВтгача бўлган микро ва кичик гидроэлектр станцияларни қуриш лойиҳалари рўйхати ва улардан фойдаланиш бўйича янги механизм жорий этилди. Шунга асосан, қатор аукцион савдолари ўтказилиб, голиблар аниқланди ҳамда микро ва кичик ГЭСларни қуриш бўйича амалий ишлар бошланди. Бу борада республика худудлари бўйлаб микро ва кичик ГЭСларни қуриш мумкин бўлган салоҳияти майдонлар аниқланди.

– Бугунги кунда олдимизда турган асосий вазифа минимум имкониятдан максимум фойдаланидир, – деди матбуот анжуманида иштирок этган “Ўзбекгидроэнерго” АЖ вакили Авазбек Зокиров. – Ҳозирда микро ГЭСлар қурилиши тадбиркорлар томонидан ҳам илиқ қутиб олинмоқда. Келгусида тадбиркор ўз эътижидан ортган электр энергиясини истеъмолчиларга сотиши мумкин бўлади. Бу эса тадбиркор учун ўзига хос қўлайликдир.

Дарҳақиқат, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ташкил қилган тадбиркорлик субъектлари 10 йилгача солиқдан озод бўлиши Солиқ кодексининг 414-моддасида белгилаб қўйилган. Тадбиркор тарифларни давлат норматив ҳужжатларига монанд тарзда шакллантиради ва бемалол даромад олади. Хусусан, юқоридида Фармон ижроси доирасида кичик ва микро ГЭСларни қуриш истагидаги тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электр қувватини давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий этилди. Тадбиркор аукциондан микро ГЭС лойиҳасини ютиб олиб, лойиҳани ишга туширишга қадар бўлган даврда амалга

ошириладиган тадбирлар белгилаб берилди.

Шунингдек, жаҳонда ўхшаш (аналоги) бўлмаган сув юзидан сузиб турувчи кинетик турбинали микро ГЭС лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Хиндистоннинг “MACLEC Technical Project Laboratory Pvt Ltd” компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Кинетик турбинали ГЭС янги ГЭС тури ҳисобланади, бундай юқори қувватли инновацион агрегатлар дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда амалга оширилмоқда. Мазкур агрегатни ишлаш принципини ишлаб чиққан ва патентлаштирган “MACLEC” компанияси мутахассислари иштирокида агрегатларни ўрнатиш мумкин бўлган сув оқимларини ўрганиш мақсадида республикамиздаги бир неча каналларда изланиш ишлари олиб борилди. Биринчи навбатда “пилот лойиҳа”ни ишга тушириш ва агрегатни синовдан ўтказиш учун Андижон вилоятидан оқиб ўтувчи Шахрихонсой канали танлаб олиниб, ҳар бирининг қувват 400 кВтдан бўлган 2 та агрегат моделлаштирилди.

Тадбир кўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олишди. Журналистлар тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлган “Қамбар ота” ГЭСининг тақдирини ҳамда турли салбий оқибатлари мавжудлиги ҳақида сўрашди. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ аппарат раҳбари Суҳроб Ҳамраев масалага қуйидагича фикр билдирди:

– Лойиҳа трансгегаравий аҳамиятга эга бўлгани учун бир муддат чиқарган электр қувватини давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий этилди. Тадбиркор аукциондан микро ГЭС лойиҳасини ютиб олиб, лойиҳани ишга туширишга қадар бўлган даврда амалга

МУҚАДДАС ЗАМИНДАГИ БУГУНГИ ЎЗГАРИШЛАР

Халқ манфаати ва юрт фаровонлигига хизмат қилмоқда

Аслида, амалга ошириладиган ҳар қандай ислоҳот замирида ижобий ўзгаришлар мужассам бўлади. Бу ўзгаришлар хоҳ бунёдкорлик, хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ ҳунармандлик соҳасида бўлсин, барчаси ягона мақсад – халқ манфаати ва юрт фаровонлигига хизмат қилади. Шу жумладан, кўҳна Бухородаги бугунги ўзгаришлар замирида ана шу мақсадлар мужассам десак, хато бўлмайди. Қувонарлиси, бу ўзгаришлар нафаси нафақат вилоят маркази ва шаҳарларда, балки чекка ҳудудлардаги олис қишлоқ ҳамда маҳаллаларда ҳам сезилиб, азалдан мард ва танглиги билан танилган бухороликларнинг ҳаётдан мумнунлигини оширмоқда.

Миробликлар имкониятлардан миннатдор

Аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада “Мироб” МФЙда бажариладиган вазифалар эътиборга лойиқ, албатта.

2024 йилнинг ўтган даврида 59 фуқаронинг даромадли иш билан бандлиги таъминланган. Уларнинг 21 нафари доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 31 нафари ўзини-ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатга олинган. 6 нафари эса яқка тартибдаги тадбиркорликка ва 1 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб қилинган.



Маҳаллада ўтган йилнинг мус даврига нисбатан доимий иш жойларига жойлаштирилган 6 та (15 фойза)га, ўзини-ўзи банд қилганлар сони 8 нафарга ошган. Шунингдек, ҳоким ёрдамчиси тавсияномалари асосида 24 та лойиҳага жами қиймати 575 миллион сўм имтиёзли кредит ва 2 нафар ишсизга 10 миллион сўм субсидия наблига ажратилиб, яна 7 нафар эҳтиёжман оила аъзоси лаёқатига мос касб-ҳунарга ўқитилган. Жорий йилнинг шу кунига қадар маҳаллада 24 нафар аҳоли вақилининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмак берилган бўлса, 31 нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланган.

Яқинда “Мироб” МФЙда бўлган туман ҳокими Хуршид Тоҳиров аҳоли вақиллари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ташвиш-муаммоларига қўлоқ тутди. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва шу асосда ўзини-ўзи банд қилиш истагида бўлган мироблик 2 нафар аёлга субсидия асосида замонавий тикув машиналари топширилди. Шу ҳудудда яшовчи Гулшод Равшанова мустақил равишда бирор бир юмушни бажаролмайди, саломатлиги кўтармайди. Даромадининг етарли бўлмаганлиги сабабли икки хонали яшаш уйи таъмирга муҳтож. Туман раҳбари қабулдан сўнг фуқаронинг яшаш хонадонига келиб, муаммоларини ўрганди. Гулшод Равшанованинг уйини таъмирлаш билан бирга оиланинг ишсиз аъзоларини доимий иш жойига эга бўлишига кўмаклашиш чоралари кўриладиган бўлди.

Масъуллар мазкур маҳалладаги Бехбут Чориев хонадонига ҳам бўлиб, оила соҳибни томорқасида иссиқхона ташкил этгани ва деҳқончилик билан шуғулланиб, озми-кўпми даромад топаётганини кўришди. Ҳозирда у томорқасида картошка, помидор, бодринг, пимз каби сазавотларни етиштириб, илкон қадар рўзғори эҳтиёжини қопламоқда. Моддий имконияти ўрганилган Бехбуд Чориев хонадонига 24 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ҳисобига 1 бош йирик шохли қорамол, 5 бош қўй, шунингдек, 2 миллион сўмга тенг балиқ чавоқлари ва илхач иссиқхонасига 2 миллион сўмга плёнка етказиб берилди. Мазкур хонадон ўзидagi имкониятдан унумли фойдаланиб, илгари йилга 40 миллион сўм атрофида даромад олган бўлса, “Агробанк”нинг амалий кўмаги натижасида бу оиланинг йиллик ўртача даромади 70 миллион сўмга етказилмоқда.

Маҳаллада аҳоли ташвиш-муаммоларини ҳал қилиш баробарида ёшлар билан ишлаш, томорқалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида ҳам қатор тадбирлар бажарилмоқда.

Айни кунда маҳаллада алоҳида тоифаланган аёллар ва ёшлар дафтарида киритилган 13 нафар фуқарога 50 сотихдан 1 гектаргача ер ажратилган. Жами 10 гектар ер майдонида амалга оширилган “Бир контур – бир маъсулот” тамойили асосида сугурги етиштирилган ҳам эътиборга молик.

Вилоятдаги ўнлаб маҳалла ва қишлоқлар қаторида чекка туманининг “Мироб” МФЙда ҳам азалдан айнан сугурги ўсимлигини етиштириш анъанасига айланган. Шу фаолияти билан аҳоли тирикчилигини ўтказган. Пишиқ-пўхта сугуртилган тайёрлаб, сотиш ортидан оилавий даромадга эришган. Ҳатто унинг пояси ва дони чорва учун тайёр озуқа сифатида жамғарилган. Мироблик Муқаддам Сафарова ҳам чеварлик ортидан тирикчилик қилиб, оиласини қоқиб келади, тикиш-бичишни яхши кўради. Аммо тикув машинаси эскирганлиги боис буюртмаларни ўз вақтида бажара олмаётгани. Муқаддам оиланинг оилавий шароити, тикувчилик лаёқати инобатга олиниб, унга замонавий тикув машинаси совға қилингани ҳам оила аъзоларини хурсанд қилди.

– Адашмасам, 7-8 ёшлигимдан кўлимга игна олиб, тикишни бошлаганман, – деди Муқаддам Сафарова. – Мижозларга буюртма асосида чопонлар тикиб бераман. Яқинда хатто Америкада ашайдиған ўзбекистонлик мижозимдан буюртма тушди. Бежирим тикиб тайёрлаб, буюртмани почта орқали етказиб бердик. Жуда хурсанд бўлишди. Бугун менга совға қилинган бу замонавий тикув машинаси билан эндиликда нозиктаб мижозларимизнинг дидига мос чопонлар тикиш имконига эгамиз.

Мироблик Ойша Шомуродова ҳам ижтимоий ҳимога муҳтож оилалардан бирининг бекаси бўлиб, узоқ йиллардан буён тизза емирилиши хасталиги билан курашиб келмоқда. У яқинда “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан Бухоро шаҳрида бепул жарроҳлик амалиётини бошидан кечирган. Ҳозирда катъий ишонч билан даволаниб, соғайишда давом этмоқда. Айни кунда хонадон бекаси унга яқиндан мададкор бўлиб, қўллаб-қувватлаётган барчадан миннатдор.

Хулоса қилиб айтганда, туманда ижтимоий оғир ҳудудлардан бири сифатида қайд қилинган маҳаллада бугун аҳолини қўйнаётган ташвиш-муаммоларни бартараф этиш, ишсизларга даромад манбаини яратиб бериш, томорқачиликни ривожлантиришда амалий саз-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорликни муваффақиятга йўлга қўётган фуқароларнинг эса моддий аҳоли яхшилиниб, кенжаққа ишончи ортмоқда.

ЯНГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ОЧИЛДИ

Бугунги кунда аҳоли сони 120 мингдан ошган Пешку туманида мактабгача ёшдаги, яъни 3-7 ёшли болалар сони қарийб 10 минг 700 нафардан зиёд. Шу боис, чекка туманда ҳам жамжи фарзандларни мурғак ёшидан саводини чиқариш, умумтаълим мактабига тайёрлашга бўлган эътибор кучайди.

Буни ўйда тарбияланган гўдак билан мактабгача таълим ташкилотиде таълим-тарбия олаётган бола ўртасидаги катта тафовут билан ҳам изохлаш мумкин. Чунки бола боғчада тил ўрганиш, замонавий компьютер технологиялари билан танишиш, катталар ва тенгдошлари билан ўзаро мулоқот қилиш, бошланғич таълим асосларини малакали ходимлардан ўрганиш, бир сўз билан айтганда, жисмонан ва руҳан чинқиш имкониятига эга бўлади. Ахир, ҳар қандай ота-она ўғил-қизи бу қўлайликлардан баҳраманд бўлишини хошлайдди, албатта.

Таҳлилларга кўра, 2020 йил охирида туманда болалар боғчаси сони 96 тани ташкил қилган бўлса, бугунга келиб ҳудудда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилоти сони 176 тага етказилган. Шундан, 45 таси давлат мактабгача таълим ташкилоти ва 128 таси оилавий бўлган бўлса, 4 таси эса давлат хусусий шериклигида муассаса ҳисобланади. Мактабгача таълимга жалб этилган болалар сони бугунга келиб 9400 нафардан оширилган ҳолда, умумий қамров даражаси 92 фойзга етказилган.



Айни пайтда эса туман мактабгача таълим тизимида 1 минг 400 дан ошмиқ илчи-ҳодим фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 518 нафари малакали тарбиячи, 73 нафари олий маълумотли педагоглардир. Қийёсий олганда, сўнгги уч йилда ҳудуддаги давлат мактабгача таълим ташкилотидан 15 таси мукамал таъмирдан чиқарилиб, талаб даражасида жиҳозланган.

Яқинда тумандаги “Дейча” МФЙнинг шу номдаги қишлоғида ҳам замонавий андозада барпо этилган яна бир болалар муассасаси – 45-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти болажонлар ихтиёрига топширилди. Шу муносабат билан ташкилланган тадбирда мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умарова, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Фаррух Қурбонов, Пешку тумани ҳокими Ваҳоб Қаҳҳоров, меҳнат фахрийлари, ота-оналар жам бўлдилар.

Эндиликда 120 нафар болажонни ўз бағрига олган муассаса маҳаллий пудратчи “Капитал сифат қурилиш” МЧЖ томонидан бунёд этилган. Мазкур лойиҳа қиймати 3 миллиард 800 миллион сўмга молиялаштирилган. Эртанги сўмга унинг бу ерда шинама машғулотлар хоналари, ётоқхона, ошхона, ва санитария тармоғи, қолаверса, ўйин майдончаси, ёғи айвон шай қилинган бўлиб, болажонлар саводхонлигини таъминлаш, жисмонан ва руҳан чинқишлари учун 25 нафар илчи-тарбиячи масъул сифатида бириктирилди.

Тантанали тадбирда янги ва замонавий давлат мактабгача таълим ташкилотининг раъсий лентаси қўйрилиб, меҳмонлар муассасада болажонлар учун яратилган шар-шароит билан яқиндан танишдилар.

Қорақўл туманидаги маҳаллалар ўрганилди

Қорақўл туманида Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ботир Аҳмедов бошчилигида тумандаги “маҳалла еттилиги” ҳамда сектор раҳбарларининг иш самарадорлигини ошириш юзасидан семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат бошқаруви академияси ректори Аҳдам Бекмуродов, шунингдек, Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси маъмурият вақилининг бошқармаси, ҳудуд маъмурий секторлари раҳбарлари, тумандаги 50 та “маҳалла еттилиги” масъуллари иштирок этдилар. Шунингдек, вилоятни камбағаллик, ишсизлик ва жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича “Бухоро тажрибаси”ни яратишга “еттилик” масъуллари зиммасидаги вазифалар батафсил тушултирилди.

Шундан сўнг масъуллар аҳоли турмуш шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида маҳаллаларда бўлдилар. Дастлаб “Мустақиллик” МФЙда “Ekvatorial Chodak” МЧЖ ҳамкорлигида ташкил этилган 200 ўринли тикув цехи кўздан кечирилди. Мутахассис ва тикувчилар билан суҳбатлашиб, уларга яратилган шароитлар ўрганилди. Қорхонага атрофдаги қишлоқлардан тикувчиликка қўли келишадиган хотин-қизлар саралаб олинди, уларга 2 миллион сўм атрофидagi ойлик маош тайинланган.

Кейинги манзил “Полвонлар” МФЙда яшовчи Жонпўлат Ҳужиевнинг яшаш хонадонини бўлди. Жами 7 киши умргузaronлик қилаётган мазкур хонадон томорқаси ҳавас қилгулик. Экин ерининг ҳар қаричида меҳнат иси уфурди, ишқомларда узум етилиб пишмоқда. Мазкур оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш орқали уларга доимий даромад манбаини яратиш мақсадида жорий йил 41 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратиш ҳисобига Ҳужиевлар хонадонига 2 бош йирик шохли қорамол, 10 қўти асалари уяси, шунингдек, субсидия асосида 1 донна мотокультиватор ҳам олиб берилган. Жонпўлат аканинг ўзи эса 2 миллион



сўм маош тўланадиган доимий ишга жойлаштирилибди. – Анчадан буён ўзимга тайинли иш тополмай қўйлаётган эдим, – деди “Мироб” МФЙда яшовчи Озодбек Раҳимов. – Энди менга берилган мотокультиватор билан оиламга, ота-онамга ёрдамим тегишдан хурсандман. Қишлоқда томорқа экин ерларини ағдариб, экин-тикин ишларида қўни-қўшига яқиндан ёрдамлашиб, бемалол кунлик даромадга эга бўлялман.

Масъуллар шу кунди Дўстлик маҳалласида яшовчи Уктам Расуллов хонадонига ҳам бўлишди. Оила бошлиғи Уктам ака муъжазгина хонадонига нафақат асалари уясини, балки она асалариларни кўпайтириш ва тарқатиш билан шуғулланаётган экан. Айтишча, хонадон соҳибни бир неча йил аввал Самарқанд вилоятидан бир дон “бакфаст” зотли она болалари олиб келиб, парваришлаб кўпайтиришга эришган. Бу зот асалари ҳосилдорлиги, маҳаллий иқлим ва касалликларга чидамлилиги туфайли тезда кўпайтирилиб, айни кунда вилоят бўйлаб тарқатилган экан. Шу кунларда Уктам аканинг асаларичилик ҳўжалигидаги 80 та уяда 150 асалари оиласи бор. Ишининг кўзини билган асаларичиликдан йил ичи парваришланган 150 та асалари оиласидан 2 тоннадан зиёд шифобахш асал жамғариб, оиласи билан бирга нўмай даромадга ҳам эришган.

Экологик рейд тадбирлари ўтказилди

Яқинда Бухоро шаҳрида чиқиндилар билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан экологик назорат тадбирлари ўтказилди. Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш Республика маркази, Бухоро вилоят Экология бошқармаси, Бухоро шаҳар инспекторлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан таркиб топган ишчи гуруҳ томонидан “Тозалик ва яшиллик макони”га айлантириш бўйича тарғибот ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Янги бино ва кўркам кўчалар атрофида чиқиндилар ҳамда тартибсиз йўлакларни қўриб, ўйлаб қолсан киши. Ахир, тоза жойга ахлат ташлаш ҳавога ва атроф-муҳитга зиён келтиришини ҳаммамиз биламиз-ку!

– Одамларга экологик маданиятни кимдир келиб ўргатиши эмас, аксинча, ўз-ўзида бунга ҳулоса қилиш даврида яшаймиз, – деди Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Дилноза Комилова. – Шунга қарамай, соҳа масъуллари билан бу каби ҳолатлар юз бермаслиги учун тарғибот-назорат ишларини кучайтиришга киришидик. Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш Республика маркази томонидан ўтказилаётган бу тадбирлар ўз натижасини беришига ишонамиз. Ишчи гуруҳ билан дастлаб, экологик тартиб энг керак бўлган манзилларга бордик. У ҳам бўлса, албатта, бозорлар. Бухоро шаҳрида жойлашган Марказий деҳқон бозори, “Қарвон” буюм бозори ҳамда “Улгурчи” озиқ-овқат бозорларида экологик рейд тадбирлари ўтказилди. Рейд давомида белгиланмаган жойларга чиқинди ташланган ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди.



Бозорлар ҳудудига махсус чиқинди ташлаш қўтиларни ўрнатилди. Қоидабузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 91-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, тегишли тартибда жарималар қўлланилди.

Бу каби кучайтирилган экологик назорат рейд тадбирларини вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этмоқда. Шу ўринда, белгиланмаган жойга ташланган чиқиндилар учун жавобгарлик борлигини эслатиб ўтамиз. Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва вазиятни яхшилаш ҳар биримизнинг ҳам қонуний, ҳам инсоний бурчимиз. Зеро, тартиб ва ободлик бор ерга кут-барақа ёғилади. Шундай экан, ер юзини чиқиндилардан асрайлик!

Саҳифани журналистлар Учқун ТОЖИЕВ ва Зулфизар МАВЛОНОВАлар тайёрлашди.

Гўри Амир мақбарасининг сири нимада?

Жаҳонгир ДЖЎРАЕВ, Регистон ансамбли гид-экскурсоводи, Ипак йўли халқаро туризм университети магистранти.

XV асрнинг бошига оид Гўри Амир мақбараси саккиз қиррали бино шаклида қурилиб, устига улкан гўмбаз ўрнатилган ва баландлиги 36, диаметри 16 метрни ташкил қилади. Ташқи тарафдан тўлқинсимон қаbartма шаклда ва сопол кошнлар билан қопланган. Унинг асосий кўриниши Улуғбек даврида қурилган қўшимча бинолар туфайли беркилиб қолган.

Бино ичкарасига Улуғбек томонидан қурдирилган йўлак орқали кирилади. Мақбарарада тўққизта қабр мавжуд бўлиб, илк қабр Муҳаммад Султонга тегишли. Бундан ташқари, Амир Темур, Шохруҳ Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Улуғбек Мирзо, Мир Сайид Барака, ироқлик Шайх Сайид Умар ва Мирзо Улуғбекнинг ёшлиқда вафот этган икки ўғли Абдуллоҳ ва Абдурахмон Мирзоларнинг қабрлари ҳам бор.

Бизгача асосан, пештоқли дарвозаси бор ховли ва мақбара биноси сақланган. Археологик тадқиқотлар натижасида мақбара ховлисининг икки ёнидан Муҳаммад Султон қурдирган мадраса ва хонақоҳ қолдиқлари топилган. Мадраса ва хонақоҳ чорси ховлининг шарқий ва ғарбий томонларини эгаллаган. Темур сағанасига қўйилган кўк нефрит қабр тошини Улуғбек Мўғулистонга қилган юриши вақтида олиб келган. Тошдаги лавҳада Темурни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймаkori ўзувларда битилган. Ҳамма сағаналар Улуғбек томонидан яхлит ўйма мрамар панжара билан уралган.

Дарҳақиқат, 1405 йилнинг 18 февраль кунин Утзор шаҳрида вафот этган Соҳибқирон Амир Темурнинг қаерда дафн этилганлиги буйича турли хил маълумотлар мавжуд. Шу боис, 1941 йил собиқ Совет ИТТфики олимларидан иборат гуруҳ Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасини ўрганишга киришди. Мақсад – Темурнинг жасади Самарқандга олиб келиниб, Гўри Амир мақбарасига қўйилганлиги ҳақидаги

маълумотга аниқлик киритиш эди. Экспедиция таркибига олим ва жамоат арбоби Қори Ниёзий, тилшунос олим А. Семёнов, антрополог олим Михаил Герасимов ҳамда таниқли ёзувчи Садрриддин Айниёлар киритилди.

Дастлаб, Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг қабри очилганда унинг боши танасидан жудо қилинган, Шохруҳ Мирзонинг қабри ўрганилганда эса унинг жасади мумиёланганлиги маълум бўлади. Экспедиция аъзолари томонидан Амир Темурнинг набираси, Мирзо Улуғбекнинг қабри очилганда Улуғбекнинг боши танасидан нарироқда, юзи ерга қаратилган ҳолда қўйилган, бош чаноғи билан бирга учта бўйин умуртқаси ҳам борлиги маълум бўлади. Учинчи умуртқада ўткир тиг изи яққол кўринди. Герасимов Улуғбекнинг бош чаноғини ўрганиб, қилич тиғининг изи унинг пастки жағида ҳам қолганлигини аниқлаган. Унинг фикрича, зарб нихоятда кучли бўлиб, Улуғбек тиззаланган ҳолатда бўлган ва қотил у билан юзма-юз туриб, ўнгдан чап томонга қараб қилич солган. Умуртқада қолган изларга қараганда, қилич жуда ўткир ва қотил катта тажрибага эга бўлган.

Шундан кейин Соҳибқироннинг қабрини очишга киришилди. Унинг қабри фарзандларининг қабридан анча фарқ қилиб, салобати ва улғурлиги билан ажралиб туради. Олимларнинг эътибори биринчи бўлиб қабр устидаги тошга ўйиб ёзилган маълумотга тушди. Унда “Вақти келиб ҳаммамиз бу дунёни тарк этамиз. Бизгача ҳам бу-



юклар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Агарда кимда-ким бу нарсани тан олмаса, қабрни кўзгаб ёки ўтганлар руҳини безовта қилса, энг дахшатли балога йўлиқсин” деган мазмун акс этарди. Ёзувнинг охириги сўзлари экспедиция аъзоларини серграклантириб, қўрқувга солди. Ишни тўхтатмоқчи ҳам бўлишди. Аммо “юқорининг буйруғи” ҳеч бир қўрқувни тўхтата олмасди. Иш бошланганидан ярим соат ўтмасдан кўтариш крани бузилиб қолади. Шундан сўнг, қабр устидаги плитани кўлда сура бошлашади. Унинг тагида тупроқдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Куннинг армига келганда плитани очишга муваффақ бўлишди. Олимлар қўллари билан ерни қовлайди. Соат 13.00 гача учта мрамар плитани олиб ташлашга улгуришди. Нихоят, тобутнинг қора қопқоғи кўринган пайти қутилмаганда барча ёритиш ускуналари ўчиб қолади.

Амир Темур қўйилган жойи 20 сантиметр қалинлигидаги оғир мрамортош билан берновитилган бўлиб, тошнинг узунлиги 245 см, эни эса 90 сантиметр бўлган. Маълумотларга қўра, бу қабртошга бошқа, иккинчи юпка қилиб ташланган ва ёзув битилган оникс тоши ёпиштирилган. Унинг лаҳади тарашланган тош тахталардан асалган бўлиб, узунлиги 3 метр, эни ва чуқурлиги 1 метр бўлган. Тобутнинг устига қорангир қўқий рангли газлама ёпилган ва ёғочлари бақувват, силлиқланган тахталардан ясалган, алоҳида қопқоғи ҳам бўлган. Тўрт бурчадаги тўртта оёқчаси бўлиб, уни зах ерга тегиб туришидан асраган. Тобутни ясаган усталар уни мустаҳкамлаш учун тўрт бурчақли темир михлардан фойдаланишган. Тобут арчадан ясалгани сабабли узоқ вақт

ўтган бўлса-да, жуда яхши сақланган. Шунингдек, унга сув босиши ҳам зарар келтирмаган. Тобут устига ёпилган мато нозик ипақдан тўқилган бўлиб, ўртасида олтин иплардан тўқилган ёзув бор. Газлама бутун сақланмагани учун ёзувларни тўлиқ ўрганишнинг имкони бўлмаган.

Тобут қопқоғи очилгач, атрофни аллақандай хушбўй хид қоплаган. Устида икки қисмдан иборат бўлган газлама парчалари, газламининг бош томонидаги қисмида эса олтин иплар билан солинган нақшлар сақланган. Газлама ёмон сақлангани, яъни қабрни сув босганлиги оқибатида чириганлиги учун нақшнинг бутунча кўринишини тиклашнинг иложи бўлмаган. Амир Темурнинг жасади узун қилиб ётқизилган ҳолда, юзи эса қибла томонга қаратилган кўринишда экани аниқланган. Суякларнинг баъзи жойларига кафан қолдиқлари ёпишиб қолган ва бош, бўйин, оёқ томонларида мумиёланган мускуллар, тери парчалари бўлган. Жасадининг усти юпка лойқа ва тузлар билан қопланган бўлиб, бу сув тошқинларнинг қолдиқлари эканлиги айтилади.

Эҳтиёткорлик билан қабрдан чиқариб олинган Амир Темурнинг бош чаноғидаги қолдиқларини қолдиқлари ҳам сақланган бўлиб, узунлиги 12-14 миллиметргеча борган ва ранги тўқ жигарранг бўлган. Мўйло-ви сақланмаган. Герасимов бош чаноқдаги ўрнига қараб унинг мўйлови узун, лабидан ҳам пастга тушиб турганлигини аниқлаган. Унинг сочи ҳамда соқолининг ранги сарғимтир, худди занглаган темирнинг ранига ўхшаш бўлган. Шунда олимларда Амир Темурнинг соч-соқоли бўлганмикин, деган фикр уйғонади. Шунинг учун кимёгар

олим В. Кононов унинг сочларини кимёвий усуллар билан текшириб кўради. Олим соч-соқолнинг ранги табиатдан шундай бўлганлигини айтиди.

Антрополог Герасимов Амир Темур 70 йилдан кўпроқ умр кўрганга қарамай, унинг бош чаноғида ва бошқа суякларда кексалик аломатлари кўринмаганлигини таъкидлаган. Амир Темурнинг қабри 1941 йил 21 июнда очилган ва жасади ташқарига олиб чиқилади. Айнан ушбу куннинг эртасига, 22 июнда Германия қўшинлари собиқ Иттифоққа бостириб киргани туфайли экспедиция худлик билан тугатилади ва суяклар ўрганиш учун Москвага олиб кетилди. Герасимов бош суяклар асосида Темур ва Темурийлар ташқи қиёфаларини қайта тиклашга муваффақ бўлди.

“Амир Темур суяк қолдиқлари солинган қути Москва осмонида, фронт устида айлантирилиб, ўз жойига қўйилгандан сўнг уруш оловлари сўна бошлади”. Нафакат халқ оғзидан, балки мутахассис олимлар томонидан айтилган бу фикрлар қанчалик ҳақиқатлиги борасида ҳозиргача аниқ бир тўхтамга келинган йўқ. Анча сирли ва ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўлган Темур қабрини ўрганиш буйича ишлар якунига етгач, ҳисобот тайёрланди. Унинг бир нусхаси “марказ”га жўнатилган бўлса, яна бири Амир Темур қабрини ёпишаётганда тобутига қўшиб солинди. Бу ҳисобот ўзбек, рус, форс ва инглиз тилларида Самарқанд қоғозига хитой сийҳида ёзилган, дея қўрсатма беради олимлар. Орадан икки кун ўтгач эса Сталинград остоналарида галяба қозонилганлиги тўғрисида хушхабарлар тарқалади.



IQTIMOYI-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Шерзод Хидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Қозим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Эмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Усанотқурилишматериаллари”
уюмаси, “ЎЗАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Маҳанган вилояти: 97-847-30-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-741.
1510 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Набатчи муҳаррир –
А. Эгамбердиев.
Набатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – 21.35.
Тошпирилди – 22.35.

12 3 4 5 6

Қурилиш объектларида “Долзарб 30 кун”

Жаҳонгир ИСТАМОВ, Чилонзор тумани ФВБ ПваНБ инспектори, катта лейтенант.

Ҳозирда юртимизда Ҳукумат комиссиясининг 2024 йил 28 майдаги 42-сон йиғилиш баёнига асосан, юртимизда жорий йилнинг 1 июль кунидан 1 август кунига қадар ёнгин хавфсизлигини таъминлаш буйича “Долзарб 30 кун” тадбири ўтказилмоқда. Шу мақсадда, мутахассислар томонидан қурилиш объектлари ишчи-ҳодимлари билан учрашувлар ўтказилиб, тарғибот тадбирлари олиб борилляпти.

Чилонзор тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ҳодимлари туманининг Меҳр кўчасида “Коммунал Қурилиш ББ” МЧЖ, Гаваҳ кўчасида “Махбуб Строй Эксплуатив” МЧЖ, Боғиш кўчасида “Оқтепа Осие Строй” МЧЖ томонидан қуриляётган кўп қаватли турар жой биноларида ана шундай тадбирларни ташкил қилишди. Ушбу объектларда қурувчиларга электр воситаларидан тўғри фойдаланиш, пайвандал ва ишларини олиб боришда яқин-атрофда ёнувчи материаллар бўлмаслиги ҳамда бирламчи ёнгини бўлиб воситаси доимий равишда кўл остида туриши тушунтирилди.

Шунингдек, иш вақти тугаганидан сўнг ишчи-ҳодимларнинг қурилиш майдончасида тунаб қолиши мумкин эмаслиги, электр воситаларини назоратсиз тармоққа уланган ҳолатда қолдирмаслиқ, махсус чекиш жойидан ташқари бошқа жойларда тамаки истеъмол қилмаслиқ каби ёнгин юзага келиши ҳамда инсонлар ҳаётига раҳна солувчи ишларни амалга оширмаслиқ қоидалари таъминтирилди.

Тадбир сўнггида ёнгини таниши буйича амалий машғулотлар ўтказилиб, ишчиларга юзага келиши мумкин бўлган ёнгинларда тўғри ҳаракат қилиш буйича маълумот берилди.

Янги футбол майдони барпо этилди

Орифжон ИСМОИЛОВ, “O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида Сўх туманидаги “Сарибозорча” МФЙда жойлашган 29-умумтаълим мактаби худудида кўркам ва замонавий тусдаги сунъий қопламали футбол майдони бунёд этилди.

Шу билан бирга, 10 квт ли қуёш панеллари ҳам ўрнатилди. Бош пудратчи “Бунёдкор универсал қурилиш” ХК томонидан 637,4 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлиб, кўрган кўзни қувонтирадиган, кўплаб қулайликларга эга ушбу спорт мажмуасининг тантанали очилиш маросимида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, маҳалла ва мактаб фаоллари, соҳа вакиллари ҳамда спортчи ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда туман ҳокими Сайидбахром Сайидмусаев қишлоқ

аҳлини янги спорт маскани билан муборакбод этиб, ушбу даргоҳ ёшларни жисмонан баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади ва бу ердан етук спортчилар, жаҳон чемпионлари этишиб чиқишига тилак билдирди. Албатта, бу ўйингоҳ нафақат мактаб ўқувчилари, балки, қишлоқ аҳолиси ва ёшлари учун ҳам чинакам туҳфа бўлди. Стадионда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит ҳозирланган.

– Маҳалламизда спорт ин-

шооти йўқлиги сабабли футбол билан шуғулланишга қийналарди, – деди 29-мактаб ўқувчиси Аброр Дадажонов. – Янги футбол майдони барча тенгдошларимни қувонтирди.

Тадбир давомида ушбу спорт мажмуасининг бунёд этилишида фаоллик кўрсатган маҳалла фаоллари ва ёшларга ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Спорт майдонининг очилишига бағишланган байрам тадбири маҳалла ёшлари ўртасидаги футбол мусобақасига ула-ниб кетди.

ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**2024 йил июль ойининг 9-12 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хайдовчиси **Азим Мусирмонов**, Рухсатномалар бюроси навбатчиси **Шаҳноза Ҳасанова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Юридик таъминлаш бўлими бошлиғи **Мухаммадқон Мўминжонов**, бош юрис-консулт **Гулчехра Очиллова**, Ижро интиминоми ва мурожаатлар билан ишлаш буйича етакчи мутахассис **Муҳлис Мирходжаева**,

Техник меъёrlаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти мутахассислари **Азизбек Аюбов**, **Едгоржон Норбоев**, **Руслан Отажонов**,

“Ўзоғирсанотлойтиха” АЖ смета бўлими бош мутахассиси **Галина Касымова**, электрик, техника ва автоматика бўлими бош мутахассиси **Михаил Ковряженков**,

“Ташгипрогор” АЖ лойиҳа бош муҳандиси **Светлана Теплова**, гуруҳ раҳбари **Равшан Ҳақназаров**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси иш юритувчиси **Шухрат Убайдуллаев**, Бош директорининг биринчи ўринбосари **Бекзод Пахритдинов**,

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Йўллари лойиҳалаш бўлими бошлиғи **Комил Шанурадов**,

“O'zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-тоифали муҳандиси **Есения Чернова**, 3-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори **Гулушара Магаметова**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Алиер Оракбаев**, мутахассис **Азамат Адилбаев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси қоровули **Азамат Эсанов**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Азим Ғаниев**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош мутахассислари **Алишер Райимов**, **Алишер Нуруллаев**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бош юрисконсулти **Беғам Алладустов**,

Маҳанган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси қоровули **Санжар Абдуллаев**,

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Рустан Раҳматуллаев**,

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи –бош архитектор **Даврон Холиқов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи **Лазиз Позилов**, Уй-жой ва коммунал хўжалиги буйича бош мутахассис **Эркинжон Ҳамидов**,

Хоразм вилояти Шовот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси буйича бош мутахассис **Диёр Эшметов**,

“Иссиқлик манбаи” ДУК Андижон вилояти филиали Режа-техник бўлими бошлиғи **Музаффар Эргашев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги “Ayira Nukus Kommunal Servis” МЧЖ БСК бош директори **Санем Алланазарова**, “Kommunal Ul-Nur” МЧЖ БСК бош директори **Улжахан Дауленова**,

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “Бухоро коммунал сервис” МЧЖ БСК бош директори **Дилором Қудратова**,

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги “Big Skan As Plys” МЧЖ БСК бош директори **Шарофат Абдуқодироваларни** таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!